

Фикҳ дарслари (219-дарс) «Мукамилот» - тўлдирувчи намозлар



19:00 / 24.02.2023 1974

نَا: اَهُنَع هَلَلَا يَضَرَّ شَيْءٌ اَعُنَع
مَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَّصَّ يَبْنَلَا
رُهُ ظَلَلَا لُبَقْ اَعْبُرَا اَعْدِي اَلَا نَاك
اُمُّهَوْر. اَدْعَلَلَا لُبَقْ نُنِي تَعْكَرَو
ةَسْمَخَلَا

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам пешиндан олдинги тўрт
ракъатни ва бомдоддан олдинги икки рақъатни ҳеч қўймас эдилар».**

Ушбу икки ҳадисни бешовлари ривоят қилишган.

Ушбу зикр қилинган намозлар таъкидланган суннат намозлардир. Фақат пешиндан олдинги суннатнинг сони икки хил. Пайғамбаримиз соллаллоҳу

алайҳи васаллам икковини ҳам ўқиганлар. Тўрт рақъатлисини ҳанафийлар, икки рақъатлисини бошқалар олишган.

Жума намозининг фарзидан олдин ҳам, кейин ҳам тўрт рақъат суннат борлигига далил:

نَعُّهُ نَعُّهُ هَلْ لَإِيضَرَ عَزِيْرَهُ يَا بَأْنَ ع
مَلَسَ وَسَوَّهَيْلَعُ هَلْ لَإِيصَّ يَبْنَ لَ
عُجْمُجْ لَإِدْعَبُ مُتَيِّلَصَ إِذَا لَاقَ
أَلِإِسْمَخْلُ أَوْرَ . أَعْبَرَأْ أَوْلَصَف
يِرَاخُبْ لَ .

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачон жумадан кейин намоз ўқийдиган бўлсангиз, тўрт рақъат ўқинг», дедилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

نَاكُهُ نَأْتِ هَلْ لَإِدْبَعُ نَعَّيْ وَرَو
أَعْبَرَأْ عُجْمُجْ لَ لُبَقْ يَصُّي
يِذْمَرَّتْ لَ أَوْرَ . أَعْبَرَأْ أَدْعَبُ وَ

«Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, у киши жумадан олдин тўрт рақъат, жумадан кейин тўрт рақъат намоз ўқир эдилар».

Термизий ривоят қилган.

Бу намозларни нафл, татоввуъ, мандуб, ротиб намозлар ҳам дейилади.
Бизда фарз намозларга тобе бўлганларини суннат, бошқаларини нафл
намоз дейиш урф бўлган.

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰتٰنَا هٰذَا نَعْمَ الْاٰتٰى
تَلَقٰنَا بِهٰذَا نَعْمَ الْاٰتٰى
هٰذَا نَعْمَ الْاٰتٰى
ذٰلِكَ نَعْمَ الْاٰتٰى
مُوَيَّدًا لِّكَ هٰذَا نَعْمَ الْاٰتٰى
رِيْغًا وَّطٰتًا وَّعٰكِرَةً رَّشٰعًا يٰۤاَيُّهَا
اَتٰنَا بِهٰذَا نَعْمَ الْاٰتٰى
تٰنَا بِهٰذَا نَعْمَ الْاٰتٰى
نَعْمَ الْاٰتٰى
هٰوْرًا دَعَبًا نَعْمَ الْاٰتٰى
يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰتٰنَا هٰذَا

رَهْطًا لِّبَقِ اَعْبَرًا يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰتٰنَا
دَعَبًا نَعْمَ الْاٰتٰى
ءَاَشْغَلًا دَعَبًا نَعْمَ الْاٰتٰى

رُجْفُ لَإِةِ الصَّلَاةِ بِقَوْلِ نَبِيِّكَ رَوَى

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуфти ҳалоллари Умму Ҳабиба розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Қайси бир мусулмон банда ҳар куни Аллоҳ учун фарздан ташқари ўн икки ракъат ихтиёрий намоз ўқиса, албатта, Аллоҳ унга жаннатда уй қуриб беради» ёки «албатта, унга жаннатда уй қурилади», деганларини эшитганман».

Умму Ҳабиба: «Шундан кейин уларни ўқишда давом этиб келяпман», деди».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Термизий:

«Пешиндан олдин тўрт ва кейин икки ракъат. Шомдан кейин икки ракъат, хуфтондан кейин икки ракъат. Бомдоддан олдин икки ракъат»ни зиёда қилган.

Ҳанафий мазҳаби ушбу ривоятни маҳкам ушлаб, ҳаётга яхшилаб татбиқ қилган мазҳабдир. Ушбу ҳадисда фарз намозларига тобе бўлган суннатларни қўймай ўқиб боришга қаттиқ тарғиб ва улкан ваъда бордир.

Бу ваъда жаннатда ушбу намозлар учун мукофот тариқасида Аллоҳ таоло томонидан қуриб бериладиган алоҳида уйдан иборатдир.

Фарз намозларга тобе бўлган суннат намозларини қўймай ўқиб боришга бундан ортиқ тарғиб бўлмаса керак.

Шунинг учун ҳам Умму Ҳабиба онамиз ушбу ҳадисни эшитганларидан бошлаб, у намозларни асло қўймаганлар. Биз ҳам худди шундай қилишимиз керак.

Фарз намозларидан олдин ўқиладиган суннат намози ўзига хос равишда фарз намоздан олдин машқ – тайёрланиш вазифасини ҳам ўтайди. У намозни ўқиб, анча тайёрланиб олган намозхон учун фарз намозининг хушуъ-хузуъсини жойига қўйиш осон бўлади.

Фарз намозларидан кейин ўқиладиган суннат намозлари эса фарз намозда баъзи қусур ва камчиликлар содир бўлса, ўрнини тўлдириш вазифасини ўтайди.

Шунинг учун ҳам шариатда бу намозлар «мукамилот» – «тўлдирувчи намозлар» деб аталади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таъкидланган суннат намозларига ҳанафий мазҳаби алоҳида эътибор билан қараган, бунга Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларидан ҳужжатлар келтирган. Ул зот баъзи вақтларда суннат намознинг қазосини ўқиганлари ҳақида ривоятлар ҳам бор.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди